

**СПОРТ ЎЙИНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА  
ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ  
АҲАМИЯТИ**

*Ахмедов Жалолиддин Арибович*

*АДУ, факультетлараро жисмоний маданият  
ва спорт кафедраси ўқитувчиси*

*Қамчиев Салимберди Худойбердиевич*

*АДУ, факультетлараро жисмоний маданият  
ва спорт кафедраси ўқитувчиси*

*Авазбадалов Шавкатбек Муротович*

*АДУ, факультетлараро жисмоний маданият  
ва спорт кафедраси ўқитувчиси*

*Хайитбоев Набижон Шералиевич*

*АДУ, мактабгача таълим методика кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида спорт ўйинлари фаолиятининг аҳамияти, ўйинлар орқали болаларни соғломлаштириш ва педагогик вазифаларни амалга хақида фикр мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** Спорт ўйинлари, элемент, оптимал ривожланиш, конвенция, хуқуқ, компетенция, ижтимоий ривожланиш, когнитив ривожланиш.

**Аннотация:** В статье рассматривается роль спорта в формировании личности дошкольников, здоровье детей через игры и выполнение педагогических задач.

**Ключевые слова:** спортивные игры, элемент, оптимальное развитие, условность, закон, компетентность, социальное развитие, когнитивное развитие.

**Abstarct:** The article discusses the role of sports in the formation of the personality of preschool children, the health of children through games and the implementation of pedagogical tasks.

**Keywords:** Sports games, element, optimal development, convention, law, competence, social development, cognitive development.

Үйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган бўлиб, жамият ҳаётида меҳнатдан кейин туроди ва унинг мазмунини белгилайди. Ибтидоий жамоа қабилалари ўз үйинларида овчилик, уруш, дехқончилик ишларини акс эттирганлар.

Бола учун үйин ўзини кўрсатиш ва намоён қилиш йўли. Үйинда бола ўзи истаган қаҳрамонга айланади: меҳрибон, сеҳргар, жасур, жангчи, учувчи-фазогир, сайёҳ... Үйинда бола ўзи ҳоҳлаган жойда бўлади: ойда, денгиз тубида, мактабда. Үйин болага вақтни бир лаҳзага тўхтатиш, уни қайтариш ва яна кўп маротаба такрорлаш имконини беради.

Үйинда бола шахсининг барча қирралари очилади, руҳиятида янги, янада юқори ривожланиш босқичига ўтишга тайёрлайдиган сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Бу билан психологлар мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти сифатида үйиннинг улкан тарбиявий имкониятлари юқорилигини айтишади.

Сўнгти йилларда тадқиқотчилар, педагоглар, психологлар ва шифокорлар үйин барча соҳаларда ёш болаларнинг соғлом ривожланиши учун ҳаётий муҳим элемент эканлигини ишонарли даражада исботлаб беришди. Үйин ривожланишнинг етакчи манбаи сифатида оптимал ривожланиш учун жуда муҳимдир.

Үйин алоҳида болалар учун таълимда мувозанатни сақлашга ёрдам беради. У хар бир боланинг ривожланиш эҳтиёжлари ва манфаатларини ғайриоддий тарзда инобатга олади.

Ўйин одатда эркин танланган, болаларга қаратилған ва завқли фаолият сиғатида белгиланади. У ижтимоий, когнитив ва ривожланиш ҳусусиятлари ва босқичлари бўйича қўшимча тахлил қилинди ва таснифланди.

Шахсга йўналтирилган таълим ёндашувида ўйин бу бола томонидан бошланган ва мактабгача таълим педагоги томонидан астойдил қўллаб-қувватланадиган асосий иш фаолиятидир. Ҳатто энг ўйноқи болалар ҳам ўйиндан ўқиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан фойда олиш қобилиятига эга эмас.

Бунинг учун уларга вақт, макон ва шахсий кутилмаган ва мустақил тарзда бошланган ўйин ҳаракатларини ривожлантиришда мустақиллик керак.

Мактабгача ёшда болаларнинг ижтимоий ҳаёти айнан ўйинда тўлиқ фаоллашган бўлади. Ўйин болаларга мулоқотнинг турли шаклларидан мустақил фойдаланиш имконини беради.

Ўйинларда болалар хис-туйғуларини ривожлантирадилар, ўз таассуротларини акс эттирадилар, ўzlари тақлид қилаётган ва чин дилдан ўхшашни истаган шахснинг билими ва ҳатти-ҳаракатини ўзлаштиришга ҳаракат қиласидилар.

Ўйин давомида болалар дўстона муносабатларга киришадилар, биргалиқда ҳаракат қиласидилар ва завқланадилар. Маълумки, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, унинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйиндир.

Ўйинда ақлий ривожланиш билан бирга ахлоқий сиғатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши хисларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйин мустақил фаолият бўлиб бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечинмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона

муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришда муҳимдир.

Биргалиқдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқларини жавобгарлигини сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Ўйин меҳнат тарбияси вазифасини бажаришга ҳам ёрдам беради. Болалар ўз ўйинларида ҳар хил касбдаги кишиларни акс эттирадилар. Бу билан улар катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилиб қолмай, шу билан бир қаторда уларнинг ишига, меҳнатига бўлган муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Ўйин болада кўпинча меҳнат қилиш хохишини уйғотади.

Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчакчаклик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки кудратли тарбия воситаси ҳамдир.

Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ белгиланган қоидалар бўлмайди.

Ўйин қоидасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Ўйинда ақлий ривожланиш билан бирга ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгидა чукур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши хисларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишлиарни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйин мустақил фаолият бўлиб бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечинмалар бирлаштиради.

Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини, ташкилотчилик қобилияtlарини шакллантиришда муҳимдир.

Биргалиқдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқларини жавобгарлигини сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Ўйин меҳнат тарбияси вазифасини бажаришга ҳам ёрдам беради. Болалар ўз ўйинларида ҳар хил касбдаги кишиларни акс эттирадилар. Бу билан улар катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилиб қолмай, шу билан бир қаторда уларнинг ишига, меҳнатига бўлган муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Ўйин болада кўпинча меҳнат қилиш хохишини уйготади

Ўйин болалар ҳаётида шундай қўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташки муҳитдаги нарса ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир.

Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргалиқда уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир.

Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар ҳаёлининг ўзи, ўйин давомида юзага келиб, ривожланадиган психик жараёндир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гүё бир мўжизадек кўринади.

Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб, ҳар хил хаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар. Масалан: учар от, одамга ўхшаш машина, гапирадиган дарахт.

Бундан ташқари, болаларнинг турли хаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шуни англатадики, улар ўзларининиг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидағи бор нарсаларни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Спорт ўйинларига волейбол, баскетбол, бадминтон, шаҳарча, лапта, стол тениси, футбол, хоккей киради.

Спорт ўйинларида энг аввало мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятлари хисобга олинади, шунинг учун фақат уларбоп содда, бироқ ҳаракат техникаси қоидалари, ўйинни ташкил этишнинг ҳақиқий элементлари танланади.

Шу туфайли ўйин омиллари катта кишиларда бўлганидек жисмоний ва асабий зўрикиш уйғотмайди. Айни пайтда улар мақсадга интилганлик, ўртоқлик ва маъсулият ҳиссини ва спортга муҳаббатини тарбиялайди.

Болалар боғчаларининг катта ва мактабгача тайёрлов груҳларида спорт ўйинларини ўтказиш мумкиндир.

Уларда болалар мусобақаси, ўйин эстафетаси элементлари мавжуд.

Спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинларни уюшган ҳолда ўйнайдиган ва ҳаракатли ўйинни мустақил ташкил этадиган бўлганда аста-секин жорий этилади.

Спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлардагидан кўпроқ ўзини тута билишини, уюшқоқликни, кузатувчанлик муайян ҳаракат техникасини, ҳаракатининг тезкор реакциясини эгаллашни талаб қиласди.

Спорт ўйинларида қатнашувчилар сони аниқ белгиланган, уларнинг вазифалари тақсимланган, ўйин муддати вақти чегараланган бўлади. Ўйинларни ўтказиш шартлари маҳсус тайёрланган жойни, белгиланган майдончани, тегишли жиҳоз ва инвентарларни талаб қиласди.

Болаларнинг спорт ўйинларини (баскетбол, волейбол, теннис) ўйнаши учун улар тўпни эркин эгаллаш кўникмасига эга бўлишлари муҳимдир. Тўп билан ҳаракат қилиш, тутиб олиш, фазода тўғри мўлжал олиш каби зарур малакаларни ривожлантиради.

Болалар ўйин фаолиятининг яна бир хусусияти бу ўйин жараёнида боланинг қиласидан хатти ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик ҳарактерига эга бўлишидир.

Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милитсионернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларинигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акр эттиради.

**Хуносаси:** Бола ўйин фаолиятида мактаб таълимига тайёрланиб боради, шу боисдан, унда ақлий ҳаракатларнинг яққол шакллари таркиб топа бошлайди. Ролли ўйин фақат алоҳида олинган психик жараён учун аҳамиятли эмас, балки болада шахс хусусияти ва фазилатларини шакллантиришда ҳам зарурдир.

Бинобарин, катта ёшдаги одамлар ролини танлаб, уни бажариш боланинг ҳис-туйгуларини қўзгатувчилар билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Чунки ўйин давомида болада ҳар хил хоҳиш ва истаклари туғила боради, булар бошқа нарсаларнинг ташқи аломатлари, ўзига ром этиши сабабли ҳамда боланинг ихтиёридан ташқари, тенгдошларининг таъсири остида туғилади.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирга, юксак ижтимоий аҳамиятга ҳам эга, бошқача қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуроли ҳамдир.

Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний ҳислатларни тарбиялаш мумкин. Агарда биз болаларнинг ўйин

фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хусусиятлари яққол намоён бўлишини кўрамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.Н.Нормуродов. Жисмоний тарбия Т.,1998
- 2.Т.Усмонхўжаев, Ф.Хўжаев. 1001 ўйин Т.,1990
- 3.А.В.Кенеман, Д.В.Хухлаева Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикаси. Т.,1988
- 4.В.Г.Фролов. Сайрда жисмоний тарбия машғулотлар, ўйинлари ва машқлари. Т., Ўқитувчи 1990 й.
- 5.Ф.Р. Қодирова, Ш. Қ. Тошпўлатова, Н.М. Каюмова, М.Н. Аъзамова. «Мактабгача педагогика». Тошкент. 2018-йил.
6. «Ўйин орқали таълим олиш». Методик қўлланма. Тошкент. 2020-йил.
7. З.Т.Нишанова, Г.К.Алимова, А.Ғ.Турғунбоева, М.Ҳ.Асрсанбоева. «Болалар психологияси ва психодиагностикаси». Тошкент. 2017-йил